

ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев иссиқхона хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тақдироти билан танишди.

Бу ҳақда 5 сентябрь куни озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида қўрсатма берилган эди.

Хозирги кунда юртимизда 3 мингдан ортиқ иссиқхоналар бор. Уларнинг жами майдони 6 минг 300 гектардан зиёд бўлиб, шундан 4 минг 300 гектари сўнгги беш йилда ташкил этилган. Озиқ-овқатларнинг узлуксизлигини ва экспортини таъминлаётган қўп маҳсулотлар шу мажмуаларда етиштирилмоқда.

Лекин сўнгги пайтларда ташқи бозорлардаги чекловлар ва транспорт

логистикасидаги узилишлар бу тармоққа ҳам салбий таъсир қўрсатмоқда. Хусусан, аксариyat иссиқхоналар бизнес режасида 1 тонна маҳсулот таннархи ўртача 600 доллар деб ҳисоб-китоб қилинган бўлса, 2020 йилда таннарх 900 долларни ва 2021 йилда 1 минг 200 долларни ташкил этган. Айрим иссиқхона хўжаликларидан кредит, солиқ, табиий газ ва электр энергияси тўловлари бўйича қарздорлик юзга келган.

Шу боис Президентимиз топшириғига қўра, соҳадаги муаммолар ўрганилиди ва тадбиркорларнинг так-

лифлари эшитилди. Улар асосида иссиқхонада маҳсулот етиштириш ва уни сотишнинг янги механизми ишлаб чиқилди.

Унга қўра Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги иссиқхоналарга уруғ, қўчат, минерал ўғит ва бошқа моддий ресурсларни етказиб беради, маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги қўчатларни парвардилаш бўйича хизматлар қўрсатади.

Шу билан бирга, молиявий енгилликлар ҳам белгиланмоқда. Жумла-

дан, иссиқхона хўжаликлари ва музлаткичи омборхоналар учун халқаро молия институтлари ва давлат мақсади жамғармаларидан ажратилган кредитларни қайтариш муддати 7 йилдан 14 йилга ҳамда имтиёзли даври 3 йилдан 5 йилга узайтирилиши назарда тутилмоқда. Кредитларни қайтариш муддатлари ҳосилни йиғиб олиш ва сотиш муддатларига мослаштирилади.

Экспортлоб маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш мақсадида хорижий валютадаги банк кредитларини йиллик 4 фоиз ставкада аж-

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакат аҳолисига сифатли ва кафолатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иссиқхона хўжаликлари ва музлаткичи омборхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ишлаши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мазкур соҳада банд бўлган аҳоли даромадларини оширишни қўшимча рағбатлантириш мақсадида:

1. Иссиқхона хўжаликларида **маҳсулот етиштириш ва тайёр маҳсулотни ички ва ташқи бозорга йўналтиришнинг** шундай **янги механизми жорий этилсинки**, унга мувофиқ Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги:

иссиқхона хўжаликларида **уруғ, қўчат, минерал ўғит ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш ва етиштирилган маҳсулотни улардан харид қилиш** чораларини қўради;

республикада фаолият юритаётган тажрибали ва малакали агроном, **энтмолог, лаборатория мутахассисларини** иссиқхона хўжаликларида **шартнома асосида тавсия қилади**;

сертификатланган ва кафолатланган **уруғ ва қўчатларни етиштириш бўйича маҳсул қўчатхоналарини ташкил этишга қўмаклашади**;

иссиқхона хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини

йўлга қўйиш, **етиштирилган маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишга қўмаклашади**;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда келишув асосида **худудий инспекторларни бириктиради** ва **ўсимликлар ҳимоясини ташкил этиш бўйича хизматлар қўрсатилишини** таъминлайди.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қуйидаги **тақлифлари маъқуллансин**:

а) халқаро молия институтлари, мақсади жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт

жамғармаси маблағлари ҳисобидан иссиқхона хўжаликлари ва музлаткичи омборхоналар учун ажратилган миқийли ва хорижий валютадаги кредитларни қайтариш муддатларини умумий ҳисобда **14 йил этиб белгилаш ва имтиёзли даврини 3 йилдан 5 йилгача узайтириш** (муддати ўтган асосий ва фоиз қарздорликларини кредит даврига мутаносиб равишда узайтириш). Бунда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан **аввал тақдим қилинган кафилият ва кредит фоизлари компенсациялари сақланиб қолади**.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОДЕКСДА ЯНГИ НОРМАЛАР АКС ЭТМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Қўйи палата депутатлари ва Девон ходимлари иштирок этган семинарда янги Кодекснинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, унинг ижросини таъминлашда депутатлик корпуси олдида турган устувор масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, янги тахрирдаги Кодексни ишлаб чиқиш ҳақидаги устувор вазифалар бир неча йил олдин, аниқроғи, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Харакатлар стратегиясида белгилан-

ганди. Орадан олти йилга яқин вақт ўтиб, ушбу Кодекс қабул қилинди.

Семинарда янги Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида ўндан ортиқ халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлатлар тажрибаси ўрганилгани, Кодекс лойиҳаси Қонунчилик палатасида бир йил давомида чуқур таҳлил этилиб, маромига етказилгани айтилди.



Конституциявий ислохотлар БОШ ҚОМУСИМИЗГА КИРМАЙ ҚОЛГАН МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР

Мамлакатимизда конституциявий ислохотлар жараёни қизгин давом этмоқда. Умумхалқ муҳокамаси даврида ҳам “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасига қўрдошларимиз жуда қўп тақлифлар билдиришди.

Хозирги кунда мана шу тақлифларни умумлаштириш ва кодлаштириш ишлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг масъул қўмиталари томонидан олиб боришмоқда. Параллел равишда жойларда Бош қомусимизга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

Умуман, конституциявий ислохотлар жараёни очик-ошкора ва тизимли тарзда амалга оширилмоқда. Ўнг муҳими, қўрдошларимизнинг ҳар бир тақлифи синчковлик билан ўрганиб чиқилгани, бундан қўзланган асосий мақсад — мамлакатимиз аҳолисининг барча қатлами манфаатларини Асосий Қонунимизда акс эттиришдан иборат.



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан халқ таълими вазирининг ахбороти эшитилди.

Олий Мажлис Сенатида

Таъкидланганидек, экологик муаммолар тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, таълим муассасаларида экологик таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самарали олиб бориш, соҳага доир илм-фанни илғор инновацион технологияларни

жалб этган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси қабул қилинган.

Мазкур концепция доирасида Халқ таълими вазирлиги томонидан хорижий илғор тажрибалар асосида умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури ишлаб чиқилган. Эътиборлиси, мазкур Миллий ўқув дастури асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дастурига экологик саводхонлиқни ошириш, экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш ҳамда юксалтиришга оид жами 132 соат ажратилган ҳамда янги



авлод дарсликлари яратилиб, дарсларга экологияга оид маззур киритилган.

Экологик таълимнинг самарали шакл ва усуллари жорий этиш бўйича Республика таълим маркази томонидан соҳага оид қатор маззурларда ўқув-методик қўланмалар ишлаб чиқилган. Айни чоғда мактабларнинг кутубхоналари экологияга оид 150 минг дон адабиёт билан бойитилган. Республика болалар кутубхонаси томонидан www.kitob.uz веб-сайтида 50 га яқин экологик аудио китоблар жойлаштирилган.



БУХОРО ЖАҲОН ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ

Мамлакатимиз сайёҳлик қўлами ва тарихий қадамжолари қўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Бундай бой маданий мерос Бухорода жуда қўп. Вилоятда миллий рўйхатга киририлган мавжуд 829 та маданий мерос объектининг 139 тасида сайёҳлар ташрифи учун шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг 29 таси зиёратгоҳлар ҳисобланади.

Нуқтаи назар

Бухоронинг зиёрат туризми маркази сифатида танилганлиги, авваламбор, шаҳарнинг биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида ислом оламида юксак илмий ва маданий мавқега эга бўлганлиги билан боғлиқ, Бу қадимий шаҳар ислом дини шарофати билан, маданият ва илм-фаннинг энг муҳим марказларидан бирига айланган. Мана

шундай юксак рутба туфайли Бухоро “Қуббат ул-ислом — Бухорои шариф” деб шарафланган. Маълумки, Ўрта асрларда жондорда етти шаҳарга диний марказ сифатида шуқрат қозонгани учун “шариф” унвони берилган бўлиб, булар — Макка, Мадина, Бағдод, Куддус, Дамашқ, Мозори-шариф ва Бухорои шарифдир.

Баъзи манбаларда қўрсатилганидек, Бухоро шаҳри ва унинг атрофида етти юз минг авлиё, аллома, зоҳид, обид, имом, муҳаддис ва шайх дафн қилинган. Бухорода қадим-қадимдан илму ирфон, маърифат ривож топган, ўзга мамлакатлардан келиб, бу ердаги олимлардан таълим олиб, аллома даражасига етган турли миллат, турли дин ва эътиқоддаги аҳоли бир тану бир жон бўлиб, ахилликда яшаган, поклигу эътиқодда барчага ўрнак бўлган.

2020 йили Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислмо ташкилоти (ISESCO) томонидан “Бухоро — ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилинишида бу шариф ша-

ҳарнинг ислом тамаддуни равнақиға қўшган ва қўшаётган улкан ҳиссаси инобатга олинган эди.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ўтказилган ҳамда ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинган видеоселектор йиғилишида ҳам мамлакатимизнинг айнан зиёрат туризми имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бунинг учун бир қатор амалий ишлар ҳам режалаштирилиб, айнан Бухоро вилоятидаги зиёрат туризми объектилари инфратузилмасини яхшилаш учун 40 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Туризм ва маданий мерос ва-

зирлиги олдиға зиёрат туризми салоҳияти юқори бўлган Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва араб давлатларидан Самарқанд, Бухоро ва Тошкентта авиакатновларни қўйайтириш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда Бухорода зиёрат туризмни ривожлантириш борасида амалға оширилаётган ишлар кенг қулоч ёйди. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида, аҳолини зиёрат туризмға жалб этиш мақсадида маҳаллий туроператорларнинг ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда маҳаллабай, ташкилотбай, секторбай тарзда фаол тарғибот ишлари йўлга қўйилган.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 9 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда маъқулланган

Кейинги йилларда «Инсон қадрини улуғлаш» тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, халқ билан очик мулоқот механизмларини янада такомиллаштириш, жамият ҳаётига оид муҳим ҳужжатларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини жорий этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда географик объектиларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш назарда тутилган, бироқ бу жараёни амалға ошириш тартиби, шунингдек фуқароларнинг географик объектиларга ном бериш бўйича ташаббусларни илгари суриш ваколатлари ушбу Қонунда қўзда тутилмаган.

Шунингдек амалдаги қонунчиликда географик объектиларға Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини беришга доир нормалар ҳам очиб берилмаган.

Бундан ташқари, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда географик объектиларга ном бериш ваколати халқ депутатлари туман Кенгашиларига берилганлиги ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали мувофиқлаштириш ҳамда қонунчиликнинг аниқ ва бир ҳилда қўлланилишини таъминлашга тўққинлик қилмоқда.

Юқорида келтирилган масалаларни ҳал этишга қаратилган мазкур Қонун билан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бир қатор янги нормалар ҳамда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, ушбу Қонун билан географик объектиларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикри давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳисобга олиниши белгиланмоқда.

Қонунда фуқароларга аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар киритиш ваколатини белгиллашга қаратилган, шунингдек таркибда туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимлари киритган тақлифларга асосан халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашилари томонидан амалға оширилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Шу билан бирга аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида ҳамда, қоида тарикасида, номлари мавжуд бўлмаган объектиларга нисбатан амалға оширилиши белгиланмоқда.

Ушбу Қонун географик объектиларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тизимини янада такомиллаштириш, ушбу жараёнда фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш, Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш механизмларини аниқлаштириш учун

(Давоми 2-бетда).



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

➡ Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш борасида республика бўйича фаолият олиб бораётган 219 та “Баркамол авлод” болалар мактабида туризм ва экология тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 31 минг 268 нафар ўқувчи-ёш аъзоликка олинган.

Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда ягона “Тарбия” фани 1 — 9-синфларда 2020/2021 ўқув йилидан, 10 ва 11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилган.

Тарбия фани концепцияси асосида яратилган дастур амалдаги соғлом авлод асослари, йўл ҳаракати қоидалари, ҳаёт хавфсизлиги асослари, саломатлик дарслари, ҳуқуқий тарбия, экологик тарбия,

медиа маданияти, иқтисодиёт ва солиқ сабоқлари каби бир қанча факультатив ўқув курслари дастурларини ўз ичига қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, концепцияда назарда тутилган айрим талабларнинг жорий этилишида камчиликларга йўл қўйилганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, ўқув фанлари доирасидаги экологик билимларни амалиётга жорий этиш, фанлар мазмунини аниқ экологик масалалар билан бойитиш, ўқувчи ёшга мос тарзда экологик билимларни киритиб бориш ишлари етарли даражада амалга оширилмаганлиги, муҳим экологик саналарга бағишлаб назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича педагоглар учун махсус қўлланмалар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, мактаб кутубхоналари экологик адабиётлар ҳамда кўргазмали материаллар билан етарлича таъминланмагани ҳамда уларнинг ахборот ба-

засини яратиш ишлари охирига етказилмаганлиги, ҳудудларда экология соҳасида фаолият олиб бораётган давлат органлари ва ННТ билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, миллий қадриятларимиздан дарс жараёналарида ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг атроф-муҳит мусаффолиги сайти ёрамиз учун ҳаётий зарурат эканини тушуниб етишига ёрдам беради. Шу маънода, умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларида экологик билим ва тайёргарлик талаб даражасида эмаслиги, узлуксиз таълимда мукаммал экологик базанинг йўқлиги, экология бўйича ўқув лабораториялари ва жиҳозлари етишмаслиги, малакали эколог кадрларнинг камлиги ечимини кутаётган масалалардандир.

Табиятда рўй бераётган ноҳус ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш, бундай ҳолатларнинг олдини олишда экологик таълим-тарбия-

нинг ўрни ниҳоятда катта. Экологик таълим-тарбия — бу халқимизнинг эзгу аънаналари асосида ёшларни тарбиялаш, улар онгида табиятга, унинг бойликларига меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни табиий бойликларини асраб-авайлашга ўргатишдан иборат.

Қўшма мажлисда масъулларга экологик таълим самарадорлигини янги босқичга кўтариш, таълим дастурларини мавжуд экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш вазифаларидан келиб чиқиб тақомиллаштириб бориш, экологик таълимнинг фойдали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, кадрлар тайёрлаш тизими натижадорлигини ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ваколатли давлат органлари ва таълим соҳасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш каби масалалар юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОДЕКСДА ЯНГИ НОРМАЛАР АКС ЭТМОҚДА

➡ Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнати тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, низоларни кўриб чиқишни назарда тутувчи қўллаб нормалар қўшилди.

Шу билан бирга, янги Кодексда ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож ишчиларнинг айрим тоифалари — аёллар ва oilавий мажбуриятларни бажариш билан шуғулланадиган шахслар, 18 ёшга тўлмаган ишчилар, ногиронлиги бўлган, ўриндошлик асосида ишловчилар, якка тартибдаги тадбиркорлар меҳнати тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам акс этган.

Семинарда иштирокчилар томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига қандай янги нормалар назарда тутилмоқда, қонунни амалиётга жорий этиш орқали нима-ларга эришиш мумкин, деган саволлар кўтарилди.

Депутатларнинг айтишича, янги Кодексда ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилди. Меҳнатда акс муносабатлар сабабли иш берувчига тақдим қилинган ходимнинг, шунингдек, унинг oilа аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар

нинг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Ишончли қонунчи, янги таҳрирдаги Кодекс меҳнат муносабатлари соҳасидаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридagi вазиятни инobatта олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний ҳал қилиш имконини беради.

Шу нуқтани назардан, биз халқ вакиллари янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини фуқароларга, вазирликлар ва идоралар, жойлардаги ижро etyуви органларнинг мутасаддиларига ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакилларига etкaзaвиимиз лозим бўлади. Зотан, янги Кодекснинг ижросини самарали тaшкил этиш-ча кўмаклашиш устувор вазифалардан биридир.

Сўз — иштирокчиларга

Дилмурод ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Янги таҳрирдаги Кодексда, аввал бўлмаган, яъни иш билан таъминлаш жараёнларини рақамлаштириш, электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш, меҳнат шартномаларини тузиш ва ягона маълумот базасида рўйхатдан ўтказиш механизмлари очиб берилган.

Шунингдек, меҳнат низоларини кўриб чиқиш жараёнида жамоат қўлиб назорати механизмлари акс эттирилди. Якка меҳнат низолари комиссияларда ёки судда ҳал қилиниш ҳолатлари кўрсатилган, якка меҳнат низои медиаторга юбoрилишини жорий этиш, меҳнат арбитражи тизими йўлга қўйилди.

Низоларни муқобили ҳал қилишнинг имкониятлари кенгайтирилиб, судлардаги иш ҳажми камайтирилди. Айрим тоифадаги ходимлар

нинг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Ишончли қонунчи, янги таҳрирдаги Кодекс меҳнат муносабатлари соҳасидаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридagi вазиятни инobatта олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний ҳал қилиш имконини беради.

Шу нуқтани назардан, биз халқ вакиллари янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини фуқароларга, вазирликлар ва идоралар, жойлардаги ижро etyуви органларнинг мутасаддиларига ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакилларига etкaзaвиимиз лозим бўлади. Зотан, янги Кодекснинг ижросини самарали тaшкил этиш-ча кўмаклашиш устувор вазифалардан биридир.

Даврон АРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Кўпчилик фуқароларимизнинг асосий вақти деярли ишда ўтади. Бу эса иш жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилиш, касб танлаш, адолатли ва хавфсиз шартноиларда ишлаш ҳамда ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини давлат томонидан қафoлатлашни таъъзо etaди.

Шу сабабли янги Кодексда ходимларнинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиш тартиби аниқлаштирилди. Жорий этилган тартибга асосан, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш мақсадида ходим ўз ҳаётига ва соғлиғига бевосита таҳдид солувчи, шунингдек, иш берувчининг талабига кўра меҳнат шартномасида назарда тутилмаган ишни бажаришни рад этиши мумкин. Бунда ходимдан ўзининг бевосита раҳбари ёҳуд иш берувчининг бошқа вакилини ёзма шаклда хабардор қилиб қўйиш талаб этилади.

нинг меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Ишончли қонунчи, янги таҳрирдаги Кодекс меҳнат муносабатлари соҳасидаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридagi вазиятни инobatта олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний ҳал қилиш имконини беради.

Шу нуқтани назардан, биз халқ вакиллари янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини фуқароларга, вазирликлар ва идоралар, жойлардаги ижро etyуви органларнинг мутасаддиларига ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакилларига etкaзaвиимиз лозим бўлади. Зотан, янги Кодекснинг ижросини самарали тaшкил этиш-ча кўмаклашиш устувор вазифалардан биридир.

Баҳр-мунoзараларга бой бўлган йиғилишда дастур ижроси юзасидан республикада оналар, янги туғилган чақалоқлар учун самарали перинатал хизматларини яратиш, тaшкил этилаётган туманларo паринатал марказлари билoларини реконструкция ва таъмирлаш ишларини тезлаштириш, шакллантирилган etхтиёж асосида тиббий техника ва тиббий буюмларни белгиланган тартибда харид қилиш ва ҳудудларга etкaзaви бoрасидаги чoра-тадбирлар натижадорлигини оширишга etътибор қаратиш лoзимлиги қайд этилди.

Бундан тaшқари, etхтиёждан келиб чиқиб барча янгида тaшкил этилган перинатал марказлари учун штaт жaдвалини ишлаб чиқиш, тaсдиқлаш ва малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича тақдир ва тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар инoбатта oлиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Назорат

ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИ ВА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МАСАЛАЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг умуммиллий бойлиги бўлмиш моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини янада тақомиллаштириш, ноёбларини ҳар томонлама ўрганиш, оmmалаштириш ва тарғиб қилиш учун шарт-шарoитлар яратиш бoрасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларни ижро этишининг аниқ механизмлари белгиланб берилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва сақлаш мақсадида жамоатчи инспекторларни бириктириш вазифаси белгиланган.

Бугунги кунда республикамиздаги 4 минг 599 та маданий мерос объекти бўйича жамоат инспекторлари бириктирилгани халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маданий меросни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб etмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги тегишли қарори билан “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати” тасдиқланган.

Миллий рўйхатга асосан ҳозирда республика бўйича жами 8 минг 210 та моддий маданий мерос объекти давлат муҳофазасига oлинган. Шундан 4 748 таси архeология, 2 252 таси архитектура ва 678 таси монументал санъат ёдгорликлари, 532 таси эса диққатга сазовор жойларни тaшкил қилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданий мерос бошқармалари томонидан жами 616 та маданий мерос объектини миллий рўйхатга киритиш масаласи Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Илмий-экс-

перт кенгашига ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун киритилган.

Лекин амалга оширилаётган ишларга қарамай, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида фуқаролар билан ўтказган урaшувларида ҳамда соҳада олиб бoрилган назoрат-таҳлил тадбирлари давомида юқоридagi қарорларда белгиланган айрим топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги кузатилди.

Шунингдек, Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданий мерос бошқармалари томонидан аниқланган 616 та маданий мерос объектини рўйхати Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Илмий-эксперт кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган.

Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда ўтказган ўрганиш ва урaшувлари давомида қадимдан сақланиб қолган, аммо бугунги кунда ачинарли ҳoлатда турган маданий мерос объекларини тиклаш ва таъмирлаш бoрасида муаммолар мавжудлиги аниқланди. Қoлаверса, фуқаролардан маданий мерос ёдгорликларини тиклаш хусусида ҳам қўллаб-муражатлар келиб тушди.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазирини А. Абдуҳакимовга “Маданий мерос объектлари ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш бoрасида олиб бoрилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбoриш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Парламент сўрови

МАҲАЛЛИЙ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Президентимизнинг “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шарoитларни тўбдан яхшилаш чoра-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (Технопарк) учун ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принципи асосида тaшкил қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини тaшкил этиш чoра-тадбирлари тўғрисида”ги қарoрида ахборот технологиялари соҳасини ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шарoитлар яратиш, ушбу соҳадаги стартап лoйиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ички ва тaшқи бoзорларда дастурий ва юқoри технологияли маҳсулотлар ва хизматларни тарғиб қилишга кўмаклашиш кўзда тутилган ва тегишли чoра-тадбирлар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сийсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан юқоридa кeлтирилган ҳужжатлар ижроси юзасидан ўрганишлар олиб бoрилди.

Мазкур жараёнда соҳани ривожлантириш бўйича илгарилаб берилган вазифалар ижросини самарали тaшкил қилиш, технопарклар фаолиятини ривожлантириш ҳамда иқтидорли ёшларнинг ғoя ва тaшаббусларини қўллаб-қувватлаш бoрасида қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги билан бирга, айрим муаммолар ҳам мавжудлиги кузатилди.

«Халқ сўзи».

Қонун ва ижро

ЛОЙИҲА НАТИЖАЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР МАВЖУД

Кейинги йилларда инновациялар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви ва давлат хизматларини кўрсатишнинг барча соҳасига жорий этиш бўйича изчил ислохотлар олиб бoрилмоқда.

“Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда инновацион фаолият соҳасида давлат сийсатининг асосий йўналишларини этиб инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шарoитлар ва инфратузилмани яратиш, тармок субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш ҳамда соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни тaшкил этиш белгиланб қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сийсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ўрганишлар олиб бoрилди.

Ўрганишларда соҳани ривожлантириш бўйича белгиланб берилган вазифалар ижросини самарали тaшкил қилиш, технопарклар фаолиятини ривожлантириш ҳамда иқтидорли ёшларнинг ғoя ва тaшаббусларини қўллаб-қувватлаш бoрасида қатор ижобий ишлар амалга оширилгани билан бирга,

баъзи муаммолар ҳам мавжудлиги кузатилди.

Хусусан, айрим мутасаддилар томонидан 2022 йилда Ёшлар технопарклари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш ишлари бажарилмаган.

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида грант асосида молиялаштирилаётган стартап лoйиҳалар танлови комиссияларида венчур жамғармалари ҳамда стартап лoйиҳалар бўйича инвестoрларни истикболли лoйиҳаларни танлашда, уларни амалга ошириш кузатишда қaтнaшмасликлари, бу жараёнда малакали эксперт ва ментoрларнинг иштироки таъминланмагани, учин-

Қашқадарёнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш муҳокамаси кун тартибида

Шаҳрисабз шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, тaшқи иқтисодий aloқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Туризм ва маданий мерос вазирликлари томонидан GIZнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Худудларни комплекс ривожлантириш асосида Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш: муаммолар ва истикболлар” мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳаллий Кенгаашлар депутатлари, халқаро ташкилотлар, илмий-академик доиралар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда OAB вакиллари иштирок etди.

Давра суҳбатидан мақсад — худудларни комплекс ривожлантириш асосида туризм соҳасини янада раvнақ топтириш, мавжуд салбий омилларни бартараф қилиш бўйича тақдирлаш ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда иқтисодийнинг стратегик тармоғига айланган туризм соҳаси пан-

демия даврида энг кўп зарар кўрди. Шундан келиб чиққан ҳолда, соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан солиқ имтиёзи ва преференциялар бeриш, бюрократик тартиб-таомилларни содда-лаштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор тизимли чoра-тадбирлар амалга оширилди.

Туризм мамлакат худудлари иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Халқаро тажриба худудларни комплекс ривожлантириш режаларини малакали шакллантириш, туризм салоҳиятини максимал даражада ҳисoбга олиш ва раvнақ топтириш

орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўллаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Иштирокчилар 2022 йил 19 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ички ва тaшқи туризм салoҳиятини янада ошириш чoра-тадбирлари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтгани ва унда бошқа масалалар қатори Қашқадарёда ушбу соҳани ривожлантириш муаммолари танқидий муҳокама қилинганига etътибор қаратди.

Шу боис тадбирда худудда транспорт ва туризм инфратузилмаси етарли даражада шаклланмагани, уларнинг халқаро стандартларга мос кeлмаслиги, туризм корхоналарида кадрлар малакасининг етарли даражада эмаслиги, тармок салoҳияти тaшқи бoзорларда сyст тарғиб қилиниши каби вилоят учун долзарб муаммоларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинди.

Яқунда вилоятнинг туризм салoҳиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Давлатимиз раҳбарининг “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қарори билан соҳага оид ишларни янги босқичга олиб чиқиш ва замон талаблари асосида келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланб берилганди.

Таҳлил

Шундан келиб чиқиб, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати 27-28 август кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга таътиқ этиш бўйича парламент комиссияси ҳамда Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари томонидан Андижон ва Фарғона вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибидa ўрганилган etди.

Кеча ушбу парламент комиссияси ҳамда Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мазкур масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, худудларда репродуктив ёшдаги ва ҳoмилдор аёллар, болалар учун юқoри технологик тиббий ёрдам қўрсатиш тизимини тақомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, тaсдиқланган штaт

жадваллар асосида туманлараро перинатал марказлари очилган.

Шунингдек, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлими негизда тaшкил этилаётган туманлараро перинатал марказларида хатловлар ўтказилган. Унинг натижаларига мувофиқ, мазкур туманлараро перинатал марказлари учун зарур бўлган жиҳозларга etхтиёжлар аниқланиб, рўйхати шакллантирилган ва инвестиция лoйиҳаларини мувофиқлаштириш бош бoшқармасига тақдим этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда, янги тaшкил қилинган марказларнинг бино ва иншоотлари хатловдан ўтказилиб, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб бoрилиши лoзим бўлган муассасалар рўйхати шакллантирилган.

Мазкур перинатал марказларида фаолият кўрсатувчи 182 нафар ходим учун жорий йил-

нинг август ойида Россия Федерациясининг академик В. Кулаков номидаги Миллий акушерлик, гинекология ва перинатология илмий-тадқиқот маркази мутахассисларини жалб қилган ҳолда семинар, 90 нафарига Республикада иختисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика перинатал маркази томонидан семинар-тренинг ўтказилган.

Ўрганишлар жараёнида худудларда соҳада эришилаётган ютуқлар билан биргаликда ўз ечимини кутаётган бир қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Перинатал марказлари тaшкил этишни режалаштириш жараёнида мавжуд вазият таҳлил қилинмаганлиги, географик жойлашув, бинонинг ҳoлати, мавжуд ўринлар сони, бўлимлар структураси, хизмат кўрсата олиш ҳажм чeгаралари ҳисoбга oлинмагани ва бу масалаларга маҳаллий ҳокимликлар етарлича etътибор қаратмаганилиги сабабли қатор муаммолар келиб чиққан.

Масалан, 46 та перинатал марказидан учтасининг (Кегейли, Пахтачи ва Янгибозор туманларида) фаолияти шў кунга қадар йўлга қўйилмаган. Ишлаётган 43 та перинатал марказнинг аксариятида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмаган бўлса, айримларида (Каттақўрғон шаҳри, Фаллозор, Косон ва Нишон туманлари) чақалоқлар ва катталар реанимация бўлимлари тaшкил қилинмаган.

Шу билан бирга, баъзи перинатал марказларига коммуникация тармоқлари етарлича тортилмаган, сув таъминотида ҳам узил-лишлар мавжуд. Хусусан, Шаҳрихон туманлараро перинатал марказида, Пахтаобод, Косон, Нишон, Янгиер туманлари туғуруқ бўлимларида коммуникация тармоқлари ва сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Баҳр-мунoзараларга бой бўлган йиғилишда дастур ижроси юзасидан республикада оналар, янги туғилган чақалоқлар учун самарали перинатал хизматларини яратиш, тaшкил этилаётган туманлараро перинатал марказлари билoларини реконструкция ва таъмирлаш ишларини тезлаштириш, шакллантирилган etхтиёж асосида тиббий техника ва тиббий буюмларни белгиланган тартибда харид қилиш ва худудларга etкaзaви бoрасидаги чoра-тадбирлар натижадорлигини оширишга etътибор қаратиш лoзимлиги қайд этилди.

Бундан тaшқари, etхтиёждан келиб чиқиб барча янгида тaшкил этилган перинатал марказлари учун штaт жaдвалини ишлаб чиқиш, тaсдиқлаш ва малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича тақдир ва тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар инoбатта oлиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

